

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

ЭССЕ ЁЗИШ ҚОЙДАЛАРИ



2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

ЭССЕ ЁЗИШ ҚОЙДАЛАРИ

Услубий кўрсатма

**Наманган
2023**

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган “Илмий тадқиқот методологияси” курси бўйича I босқич барча мутахассисликлар магистратура таълим йўналиши учун тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган мазкур услубий кўрсатмада масаланинг моҳияти янгича руҳда, ижодкорлик ва креативлик мезони асосида таҳлил қилинган.

Услубий кўрсатма магистрларнинг ҳали очилмаган истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг тафаккурида танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятни ривожлантириш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш, илмий асарлар яратиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда амалий ёрдам беради.

Услубий кўрсатма талабалар, магистрлар, ёш педагоглар, тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Исақова З.Р. Эссе ёзиш қоидалари. Услубий кўрсатма. – Наманган, 2023. – 48 б.

Тақризчилар

Мақсудахон Ҳожиёва
Урганч давлат университети профессори,
фалсафа фанлари доктори

Неъматулла Мухамедов
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
тарих фанлари доктори (DSc)

Услубий кўрсатма Наманган давлат университети Ижтимоий фанлар факультети Кенгашининг 2023 йил 25 январдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Инсоннинг фикрат олами бепоён, чексиздир. Фикрларнинг маънавий мусаффолик чашмаси бўлган “қораламалар” инсон кўнгил олами сир-асрорининг инъикосидир. Инсоннинг барча яратилардан шарифлигининг боиси ҳам унинг қалби, кўнгли, руҳи, ақлининг илоҳийлиги билан изоҳланади. Тафаккур, илҳом, кашф, сир лаззати ҳам кўнгилдан иборатки, бетакрор сўз гавҳарлари қалб уммонидан “отилиб” чиқади. “Қуръон” оятлари, ҳадис ҳикматлари ва ирфоний ғоялар сингдирилган, ҳозирга қадар башарият учун маънавий озуқа бўлиб келаётган асарлар уларнинг муаллифлари қалбига “нур” каби қуюлиб келган “илоҳийлар” (эссе) бўлиб, тасаввуддан ташқари бирор илмда бу каби ҳодиса кузатилмаган. Бу илмнинг сирлилиги, жозибадорлиги ҳам ана шу жараён билан боғлиқ. Покиза сўз ва маънолар дард ва муҳаббатдан туғилади. Ишқнинг манзили инсон кўнглидир. Кўнгил ишқ туфайли покланади. Покланган кўнгилдаги ишқ илоҳий моҳият касб этади, яъни ишқ инсонни юксалтиради...

Ҳар бир инсон Аллоҳ билдирган илмни ўзлаштиради, ундан ортиғини эмас. Шунинг учун ҳар бир инсоннинг даражаси унинг Аллоҳ унга насиб этган илми даражасида бўлиб, бир инсон насибадор бўлган илм иккинчи инсонда айнан такрорланмайди, аксинча, уларнинг асарларида

сўзларнинг бениҳоялиги ва илмларнинг чексизлигини кўриш мумкин. Эссе, айти пайтда энг осон, шу билан бирга, энг мураккаб жанрдир. Кўнгилга исталган фикр келиши учун “қон сутга айланиши”¹ даркорки, қоннинг сут бўлиши учун бироз вақт керак. Мавлоно Жалолоддин Румий тили билан айтганда, “бахтинг яна бир гўдак туғдирмагунича қон ширин сут ҳолига келмайди”. Демак, сабаблар фикрларга “парда”дир. Фикрлар “қозони” қайнаши учун “олов” бўлиши шарт.

Азалдан оқил давлат бошқарувчилари атрофига фозил ва доно кишиларни тўплаб, давлат миқёсидаги масалалардан тортиб, халқ осойишталиги билан боғлиқ ишларгача машварат ва маслаҳат билан амалга оширган, яъни “ё устун бўл, ё устунлик изла, ё фикр соҳиби бўл, ё фикр соҳибини изла”. Бундай бошқарув мамлакат тинчлиги, жамият фаровонлиги учун замин бўлган.

Аксарият ривожланган мамлакатларда иш берувчи ташкилотлар учун эссе ишга кирувчи ходимнинг потенциал имкониятини баҳолашнинг оптимал варианты бўлиб, иш берувчига бир ўринга бир неча ўнлаб талабгорлар ичидан энг яхши номзодларни танлаш имконини беради.

Хўш, эссенинг меҳнат бозоридаги рақобат билан қандай боғлиқлиги бор?

¹ Овқат ҳазм қилиш тизимида танани озиклантирувчи моддалар кимёвий қоришмалар натижасида ҳосил бўлади. Озиқ моддалар ошқозон деворлари орқали қон тизимига тушиб, қон орқали танага тарқалади. Сут безлари, тананинг бошқа тўқималари каби қон орқали келадиган моддалар билан озикланади. Сут безлари қондан сут ишлаб чиқаради.

Эссе инсоннинг юксак ақл-идроки, ўз фикрларини тўғри ифода этиш ҳамда бирор масала юзасидан эркин фикр юрита олиш малакаси, тўғри ва хатосиз ёзиш иқтидори, фикрларни лўнда ифода этиш қобилияти, бошқалар билан мулоқотга кириша олиш истеъдодини намоён этади.

Ижтимоий фанларни ўқитишда эссе ёзиш магистрларнинг ақлий салоҳияти, билим даражаси, уларнинг мавзуларни қай даражада ўзлаштирганларининг муайян критерийда баҳолашга қулайлик туғдиради. Шу боис, илмий тадқиқот методологияси фанидан вазифа сифатида тақдим этиладиган эссе мавзулари магистрларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг тафаккурида танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятни ривожлантириш, манбаларни ўрганиш, пухта ўзлаштириш, илмий далиллар тўплаш, уларни қайта ишлаш, тизимга солиш, ретроспектив қиёсий таҳлил қилиш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш, илмий асарлар яратиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда амалий ёрдам беради.

Услубий кўрсатма муаллифнинг эссе ёзиш бўйича тўплаган кўп йиллик тажрибаси меваси бўлиб, энг тиғиз ҳолатда ҳам, энг мушкул вазиятда ҳам, энг муҳим паллада ҳам шахснинг ўз фикрларини эркин баён қила олиш, тадқиқ этилаётган ҳар қандай маълумотнинг илмий назарий асосларини аниқлаш, янги маълумотларни саралаш, ҳар қандай сермашаққат ишни “хамирдан қил суғургандек” ўта

усталик билан вариантлар излаш, энг осон ва энг қулай ечимини топишга ўргатади. Бунинг учун, аввало, чуқур билимга эга бўлиш керак. Фундаментал билимлар илмий тадқиқотларни изчил амалга оширишда, ҳар қандай муаммоларни тафаккур “призмаси”да кўриш, муаммонинг негизини аниқлаш, таҳлил қилиш, ретроспектив ёндашиш, муаммонинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, илмий асослаш, қиёслаш, солиштириш, таққослаш, илмий ечим беришда асос, манба бўлиб хизмат қилади.

ЭССЕ НИМА?

Эссе ҳар қандай мавзу ҳақида сўз юритилган ҳамда муаллифнинг позицияси тўлиқ акс этган, баҳс-мунозарага чорловчи эркин шаклдаги иншо бўлиб, буюк ёзувчиларнинг ижод чўққиларига элтувчи маҳорат дарслари айнан дафтар қоралашдан бошланган. Бугунги кунга келиб, эссе инсон ақлий салоҳияти, унинг мушоҳада қуввати, фикр оламини билишнинг энг қулай усулига айланди.

Эссе француз тилида "essai" – "тажриба", инглиз тилида "essay", "assay" – интилиш, ижодий синов; латинча "exagium" – "ўйлаш", рус тилида "очерк", ўзбек тилида "қоралама" деган маънони билдиради.

Эссе инсоннинг аниқ мавзу юзасидан шахсий фикр-мулоҳазалари асосида ёзиладиган ихчам ижодий ишидир. Шу ўринда қайд этиш ўринлики, эссени кўпчилик "иншо" деб тушунади. Аслида эссе ва иншонинг фарқли томонлари бор. "Иншо" араб тилидан олинган сўз бўлиб, "бино қилиш", "қуриш" деган маънони билдиради.

"Иншо" адабиёт фанидан олинган назарий билимларни ўқувчининг шахсий фикр-мулоҳазалари ва дунёқараши билан боғлаб ёзадиган ижодий меҳнати маҳсули. "Иншо" ёзиш жараёнида ўқувчидан ўқилган бадиий асар ҳақида чуқур ўйлаш, асарни таҳлил қилиш, асар қаҳрамонларининг муҳим

жиҳатларини очиб беришда бадий тил билан таъсирли ифодалаш талаб этилади. Эсседа бундай талаб қўйилмайди.

“Иншо” эссега нисбатан тузилиши жиҳатдан ҳажми кенг, фан бўйича эгалланган назарий билимлар асосида ёзиладиган ижодий иш бўлгани учун аввал режа тузилади. “Эпиграф” келтирилади. Асосий қисм бир, икки, уч ва ҳаттоки тўрт фаслдан иборат бўлади. Хулоса асардан олинган мулоҳазалар асар доирасидан ташқарига чиқмаган ҳолда, қабул қилинган талаб ва мъёрлар асосида ёзилади. “Иншо” адабий, адабий-ижодий, эркин мавзудаги “иншо”ларга бўлинади:

“Иншо”дан кўзда тутилган асосий мақсад ўқувчининг ёзма нутқини ривожлантириш бўлса, эссе ёзишдан мақсад мустақил фикрлаш кўникмасини гўзаллаштиришдир.

Эссенинг алоҳида хусусиятга эгаллиги, ўзгачалиги мавзу юзасидан кўтарилаётган муаммога факт ва далилларни ўринли келтириш орқали инсоннинг шахсий муносабатини эркин билдириши билан белгиланади. Шунга кўра, ҳар бир эссе бабаҳо ва бетакрордир. Эссе эркин композиция асосига қуриладиган, тузилиши жиҳатдан ихчам насрий асар, бадий-публицистик жанрнинг бир туридир. Эссенинг бошқа жанрлардан фарқловчи муҳим хусусият шуки, эссе муайян режа асосида ёзилмайди.

Эссе ёзишдан мақсад инсонни фаол фикрлашга ўргатиш, ўз мулоҳазаларини далиллашга йўналтириш, тил

унсурларидан ўринли фойдаланиш орқали фикрни тўғри етказиб бериш кўникмаларини шакллантиришдир.

Эссенинг таркиби муқаддима, асосий қисм ва хулосадан иборат. Эсседа муаллифнинг асосий фикри, илгари сурган ғояси, кўзлаган мақсади “тезис” (юнонча “thesis” – қоида, исбот) вазифасини ўтайди. “Тезис”да муаллифнинг нуқтаи назари аниқ бўлса, муқаддимада, такомиллаштирилиши лозим бўлса, асосий қисмда, мулоҳазалар асосида ҳосил бўлса, хулоса қисмида баён этилади.

Эссе ёзилиш мақсадига кўра бир неча турларга бўлинади.

Эссе турлари:

а) адабий эссе. Ёзилиш мақсадига кўра энг мураккаб эссе бўлгани учун унинг қуйидаги турлари мавжуд:

тавсифловчи эссе. Бунда асосий эътибор маълум асар юзасидан у ёки бу масалани таъриф-тавсифлаш, эркин таҳлил қилишга қаратилади;

мулоҳазали эссе. Мулоҳаза услубидаги эсседа муаллифнинг маълум нарса юзасидан чиқарган ҳукмига, воқеа тафсилотининг баёнидаги тутган ўрнига, тасвир воситасига холис муносабат билдирилади;

умумлаштирувчи эссе. Бунда маълум масаланинг бир неча хил талқини фикр элагидан ўтказилиб, унинг у ёки бу жиҳатлари ўзаро таққосланади, шулар орқали ечим чиқарилиб, хулоса билдирилади;

аргументли эссе. Бунда эссе бошиданоқ шахсий нуқтаи назарини билдирилади ва бу фикр факт ва далиллар билан қатъий исботланади;

б) ижодий эссе. Ижодий эсседа асар юзасидан олинган таассуротлар асосида эркин фикр юритилади. Асардаги қаҳрамонлар, ижобий ёки салбий бўлишидан қатъи назар баҳоланади, унинг кучли ва ожиз томонлари кўрсатилади, муаллифнинг қарашлари таҳлил қилинади ёки асар қаҳрамонлари бошқа асар қаҳрамонлари билан қиёсланиб, янги талқинлар, новаторлик ғоялари ўртага ташланади.

Эсселар мазмунига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

фалсафий;

танқидий;

бадий;

тарихий;

адабий ва ҳ.к.

Адабий структурасига кўра, эсселар миниатюра, қайд ёки “тундалик”, тақриз, очерк, мактуб каби шаклларда бўлади.

ЭССЕ ЁЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Эссе инсонга ўз фикрини эркин билдириш, мавзуга алоқадор маълумотни онгли қабуллаш, тушуниш, муаммонинг ечимини топишга алоқадор далиллардан

фойдаланиб, ўз хулосасини аниқ, “қаҳҳорона” ва оқилона баён этишга имкон яратади. Эсседа келтирилган факт ва далиллар ўз ўрнида ўринли истифода этилиши муҳим жиҳатдир. Эссе ёзишда қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

шахсий муносабат билдириш;

“тезис” – калит сўзни тўғри аниқлаш;

асосли далил (аргумент) келтириш;

назарияга асосланиш;

атамаларни ўз ўрнида қўллаш;

мавзуга мос цитаталар келтириш;

мавзуга доир турли мулоҳазаларни таққослаш;

мантиқий қонуниятнинг сақланиши;

таққослаш ва хулосалаш усулларида фойдаланиш;

саводлилик (услубий, имло, тиниш белгилари);

юмор, ўткир ҳажв;

фойдаланилган илмий манбаларга ҳаволалар.

Эссе инсоннинг ўз ҳаётини тажрибаси, билими, эътиқоди, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда борлиқ, жамият, табиат, инсон, фан, санъат, мутахассислигига тегишли ҳар қандай ҳодиса ҳақида фикр билдириш имконини беради.

Эссе ҳар қандай мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларни эркин баён этиш учун ишлатилиши мумкин бўлган кучли маърифий воситадир. Эссе уни ёзган муаллифнинг ўзига хослиги ва тафаккурининг бетакрорлиги, илм-маърифатга

муносабатини яққол кўрсатиш имконини беради. Магистр учун эссенинг қанчалик аҳамияти бор? деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ. Эссе янги ва ҳали кашф этилмаган билим ва ғояларнинг юзага чиқиши учун “туртки”дир. Масалан, тарихдан ёзилган эссе ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар бугунги ҳаёт учун қандай таъсир кўрсатганини тушунтириш учун истифода этилади. Тиббиёт ҳақидаги эссе соғлом турмуш тарзи, касалликлар ва уларни даволаш ёки инсон танасида рўй бераётган биологик жараёнлар ҳақида баён қилади. Иқлим ўзгаришлари ҳақидаги эссе инсонни ҳалокатига сабаб бўладиган оқибатларга олиб келиш сабаблари ва уларни бартараф этишнинг оқилона йўллари ҳақидаги кескин фикрларни тақдим этади. Бундан англашиладики, эсседа янги кашфиётлар ва тадқиқотларни очиб бериш учун бирламчи, қизиқарли, ўйлашга, тафаккур қилишга йўналтирадиган, ҳали оммага маълум бўлмаган “қайноқ” фикрлар мужассамдир.

ЭССЕ ЁЗИШ УСЛУБЛАРИ

Эссе ёзишнинг қуйидаги услублари мавжуд:

Академик услуб. Олий таълим тизимида илмий тадқиқот ишларини ёзишда академик услуб, яъни расмий тил ва аниқ таъриф, факт ва далиллар келтириш, воқеликни ҳаққоний баҳолаш талаб этилади;

Ижодий услуб. Унда ёзувчиларнинг бадиий асар ёзишда фикрларини ижодий ифода этишларига қаратилган, тавсифловчи, тасвирловчи, ўхшатиш, кўрсатиш каби омиллардан унумли истифода этиш мужассам;

Фалсафий услуб. Фалсафий мавзуда эссе ёзишда, муаммолар ечимини юксак интеллектуал мушоҳада ва теран мулоҳаза орқали топишда, фикр ва далилларни синчковлик билан текширишда, фалсафий терминларни тўғри ва аниқлик билан қўллашни ўз ичига олади;

Адабий услуб. Бунда эссе ёзиш учун образ яратиш, бадиий асарларни таҳлил қилишда илҳом ва маҳорат талаб этилади.

ЭССЕНИНГ ТУЗИЛИШИ

Эссе, қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, уч асос, яъни муқаддима, асосий қисм ва хулосадан таркиб топади.

Муқаддима

Муқаддимада мавзу ҳақида умумий тушунча, мавзунинг долзарблигини ифодаловчи фикр берилади. Тезис (асосий ғоя, шахсий муносабат, нуқтаи назар) ёзилади ва келтирилган тезисга таъриф (2-3 сўз) берилади. Мавзуга тегишли икки қарама-қарши фикр келтириб, ҳар икки фикр

тафаккур элагидан ўтказилади. Масалан: *Айрим одамлар уяли телефонни «керак» деб ҳисоблайди, баъзилари эса уяли телефонсиз ҳаёт «руҳий зарбаларсиз бўлар эди» деб ҳисоблайди.* Одамлар кўпинча ... деб айтади. Кўпчилик одамлар ... деган фикрни қўллайди. Айрим одамлар ... каби фикрларга қарши ва ҳоказо.

Муқаддима фикрни умумлаштирувчи 2-3 қатор жумла билан якунланади. Масалан, *Бу долзарб масала бўлганлигидан, ҳар томонлама таҳлил қилиш керак... Фикримизча, бу масаланинг бу жиҳати мунозарали. Бу масалага мунозарали бўлганликдан, изланиш талаб қилинади... Бу қизиқарли масала, чунки... ва ҳ.к.)*

Муқаддиманинг функцияси мавзунини мантиқий ва услубий боғлаб ойдинлаштиришдир. Бу босқичда тилга олинган мавзунини ёритиш учун саволни тўғри қўйиш муҳим. Масалан, *"Муқаддима бу мавзу ҳақида маълумот бериш керакми?", "Танлаган мавзунининг долзарблиги қай даражада?", "Эссе ёзиш давомида ўз фикримни далиллаш учун қандай манбаларга таянаман?", "Калит сўзлардан келиб чиққан ҳолда тезис қўя оламанми?"* каби мунозарали саволлар қизиқарли ва бошқаларни ҳам жалб эта олади.

Эссенинг муқаддима қисми камида икки абзацдан иборат бўлиши ва ҳар бир хатбошида икки-уч жумла ифодаланиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларни қизиқтириш, уларнинг эътиборини жалб этиш учун эссенинг муқаддима

қисми жонли, таъсирли, бугунги кун муаммолари билан боғланган ва аниқ ёзилиши керак. Ўқувчиларнинг диққатини тезроқ жалб этиш мақсадида «хитоб», «ундов», шахсий тажрибага ишора, «риторик сўроқ» каби мотивлардан унумли фойдаланиш ўринли.

Муқаддимада эссе мавзусига тушунча берилиб, мавзу қанчалик изчил ёритилганлиги унинг долзарблиги билан изоҳланади. Кейин тезис, яъни асосий фикр, илгари сурилган тамойил келтирилади. Тезисдан кейин асосий қисмга боғловчи икки-уч қатор жумла ёзилади. Тезис асосли ва исбот талаб қилмайдиган бўлса, фикрни жумла билан тўлдиришга ҳожат қолмайди.

Тезис келтириш эссе ёзишнинг муҳим шартларидан биридир. Яна ҳам содда қилиб айтганда, тезис эссенинг “олтин” калити. Калит топилмаса, эссенинг асосий мақсади амалга ошмайди. Тезис, асосан, муаллифнинг шахсий нуқтаи назарини билдириб, асосий қисмда исботланадиган фикрларни йўналтирувчи “ғоя” вазифасини ўтайди. Шунинг учун, аксар ҳолларда тезис эссенинг муқаддимасида ёзилади.

Асосий қисм

Асосий бўлимнинг сўзбошиси муаллифнинг кўтарилган масалага индивидуал ёндашуви, шахсий муносабати ва нуқтаи назаридан бошланиши мақсадга мувофиқ. Масалан,

(Бу ҳодисага муносабатим ўзига хос, чунки ..., Фикримизча ..., Эътиборли жиҳати шуки, Масаланинг қайноқ нуқтаси ..., масала бўйича ... фикр маъқул).

Эссенинг яна ҳам жозибадор бўлиши, ўқувчининг ишончини ошириши, қизиқишини орттириши учун ўртага риторик ёки муаммоли савол ташлаш муҳимдир. Бунда асосий жиҳат масалага индивидуал ёндашув, яъни саволга эссенинг ўзида жавоб топишга интилиш ва бир саволга бир неча вариантда жавоб топиш, жавобни мустаҳкамлаш учун ишончли далиллар келтириш, ҳаётий мисоллар билан масаланинг моҳиятини атрофлича муҳокама қилиш, керак бўлса, келтирилган далилларни исботлашда акс этади.

Далил муаллиф томонидан айтилган фикрни исботлаш учун келтириладиган кўчирма (мақол, цитата, ҳикматли сўз, ривоят, шеърий парчалар ва ҳ.к.). Қўйилган тезисга камида иккитадан далил келтирилиши керак.

Эссенинг яна бир жиҳати фикрни умумлаштирувчи жумлаларнинг асосли тузилиши билан боғлиқ. Жумладаги бир ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилиши масаланинг моҳиятини очиб беришда асосий параметр бўлиб хизмат қилади.

Эсседа кўтарилган муаммо ҳар тарафлама таҳлил қилинган, шахсий мулоҳаза билан мустаҳкамланади, яъни келтирилган далиллардан айримлари рад этилиши, баъзилари қўллаб-қувватланиши ёки танқид қилишини,

битта далил ҳимоч қилиниши эссенинг ишончли чиқишини таъминлайди *(Юқорида келтирилган ...каби фикрлар ўзини оқламайди, чунки; фикримизча, ... фикр ... каби олимлар томонидан турли аспектда кўриб чиқилган; бу ... каби фикрлар ижтимоий ҳаётда ўз амалий ифодасини топган; бу фикр асоссиз, чунки каби сабабга кўра, ижтимоий жараённи тўғри баҳолаш имконини бермайди. Бу фикр каби омилларни мужассам этгани учун ... қуйидаги афзалликларга эга ва ҳ.к.)*

Эссенинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда шахсий муносабатни билдириш учун далиллардан унумли фойдаланиш, уларни биринчидан, иккинчидан, учинчидан каби шаклда муайян кетма-кетликда келтириш, масалани ҳаётий ва ишончли манбалардаги мисоллар билан ойдинлаштириш кутилган натижани беради:

Биринчидан, / аввало ...

Биринчи навбатда ... бошлаш / энг бошидан,

Иккинчидан, учинчидан, сўзимнинг охирида, энг охиригиси, бироқ асосийси

Келтирилган муайян параметрдаги фактлар ниҳоясида фикрни умумлаштирувчи мулоҳаза билдириш уни қайта муҳокама қилишга ўрин қолдирмайди *(Юқорида таъкидланганидек, фикрни ... қўллайман, чунки бунга бир қатор сабаблар бор:... Шу томонини қўллашнинг кўпгина ўзгачаликлари бор. Улар...Энг яхшиси... ва ҳ.к.)*

Асосий қисмни ёритиш учун керакли маълумотларни келтириш жараёнида қўйилаётган масалага муаллифнинг шахсий муносабатини билдирувчи (*менимча, менинг фикримча, биринчидан, иккинчидан, шу каби, демак, бироқ, ундай бўлса, акс ҳолда, энг мақбули*) сўзлардан фойдаланиш ўринли бўлади.

Якун

Эсседа энг катта эътибор талаб этадиган қисм хулосада акс этади. Муаллиф масалани қанчалик теран ва мазмунли ёритиб, ҳар томонлама таҳлил қилсаю, хулоса муқаддима ва асосий қисмнинг мазмунидан келиб чиқмаса, кўтарилган мавзу ўз аҳамиятини йўқотгандек тасаввур уйғотади. Шунинг учун хулосада энг аҳамиятли фикрлар «қаймоғи» бўлиши, далилларга суянган ҳолда муаллифнинг чиқарган қарори, муаммони ечишнинг оптимал йўллари кўрсатилиши керак. Демак, эссенинг якуний қисмида асосий қисмда берилган муаммонинг ечими тасдиқланиши, мазмуннинг моҳияти очиб берилиши, яъни «Эссе аввалида кўтарилган масала бўйича нима дейиш мумкин?» деган саволга аниқ ва тушунарли жавоб ёзилиши керак.

Хулоса қуйидаги жумлалар билан бошланиши эссенинг ўқимишли бўлишини таъминлайди (хуллас, мулоҳазалардан

аён бўлдики, фикрларни жамлаш натижасида, яхлит хулоса шуки ва ҳ.к.)

ЭССЕ ЁЗИШ ЖАРАЁНИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

Биринчидан, муқаддима ва якуний қисмдаги фикр асосий масалага узвий боғлиқ бўлади. Масалан, муқаддимада *“Мен... ҳақида шуни айтмоқчиман”* деб бошланса, якуний қисмда *“...хулосага келдим.”* каби тугалланади.

Иккинчидан, эссе ёзишда ҳис-ҳаяжонли/таъсирчан ва бадий бўёқдор сўзлардан фойдаланилади.

Учинчидан, эссе кўламига эътибор бериш (Муқаддима 60-70 сўз, асосий қисм 100-120 сўз, хулоса 50-60 сўз).

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ИШИ УЧУН ЭССЕ ЁЗИШНИ ҚЎЛЛАШ – ИННОВАЦИЯЛАР УЧУН ЙЎЛ

Магистрларга якуний назорат иши учун эсселар мавзуларининг тахминий варианты тақдим этилади. Бундан мақсад магистрларнинг якуний имтиҳонда ёзилажак эссе учун муайян тайёргарлик кўришларига имкон яратишдир.

Якуний назоратда эссе мавзулари махсус муҳрланган пакетларга солинган ҳолда тақдим этилади.

Ҳар бир магистр эссени алоҳида мавзуда ёзади. Эссе ёзиш муддати 80 минут деб белгиланади.

Эсселар мавзусини танлашда магистрнинг мутахассислиги, йўналиши эътиборга олинади. Бу эса, магистрнинг эссе ёзишда мавзунини тушуниши, шахсий фикр-муносабатларининг изчил ва асосланган, саводли ёзма баён эта олиш қобилиятини кўрсатади.

Эссе хомаки ва оқ нусхада ёзилади. Хомаки нусха ҳам эссе билан бирга топширилади (хомаки нусха зарурат бўлганда текширилади).

Имтиҳон давомида магистрларга телефондан, луғатлардан, дарсликлардан ва қўшимча адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Эссе эркин композиция асосида ёзилади. Эсседа бир мавзу атрофида фикр юритиш, бир фикрни ўртага ташлаш ва ўша мавзу доирасида фикрларни ривожлантириш кутилган натижани беради. Яхши эссени мавзунини яхши тушунган, уни ҳар томонлама идрок эта олган, ўз ғоялари билан ўқувчини ўйланишга мажбур эта оладиган магистр ёза олади.

Эссе ёзишда бир қолипдаги сўзлардан фойдаланиш, сўзларни қисқартириш, юзаки хулоса чиқариш, фикрнинг ифодалашда ғализ ва тушунарсиз сўзлардан фойдаланиш, фикрнинг охирига етказмаслик каби ҳолатларга йўл қўйилмаслиги керак.

Эссе тили мулоҳазакорлик, мушоҳадакорлик, салмоқлиликни талаб қилади. Мавзу қанчалик қизиқарли бўлса, мавзу юзасидан тафаккур қилиш, мулоҳазаларни турли вариантларда тақдим этиш имкони катта бўлади.

Эсседа адабий тил услубларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш шарт. Эсседа бадий тўқима ва фантазия бўлмайди. Эссе ихчам бўлгани боис, фикр-мулоҳаза билдиришда батафсил ҳикоялашдан чекланиш, келтирилган маълумотни ипидан игнасигача баён этишдан сақланиш, бир айтилган фикрни яна қайта такрорлашга йўл қўймаслик керак. Узундан узоқ, аралаш турдаги қўшма гаплар ўрнига қисқа ва ихчам ифода усулини қўллаган маъқул. Энциклопедия ва турли манбалардан олинган маълумотлар ўз ўрнида ишлатилиши керак. Акс ҳолда, эссенинг бадийлиги ва таъсирчанлигига путур етади. Эссени ёзиб бўлгач, уни қайта ўқиб чиқиш, зарур бўлса янги фикрлар билан бойитиш, имловий ва матн мазмуни билан боғлиқ хатоларга йўл қўймаслик зарур. Бу каби омиллар эссенинг юқори баҳоланишига замин бўлади.

МАГИСТРЛАР УЧУН НАМУНАВИЙ ЭССЕ МАВЗУЛАРИ

1. Фан менинг тақдиримда ...
2. Фан ва ижод муштараклиги, менимча ...
3. Интерсубъективлик, менимча ...
4. Билим ва билишнинг фарқи, менимча ...

5. Илмдан қалб ёришиши учун, менимча ...
6. Илмий тадқиқотчининг ўзига хос жиҳатлари, менимча ...
7. Илм ва амал муштараклиги, мунимча ...
8. Илмсизлик балоси, менимча ...
9. Игна билан қудуқ қазиш, менимча ...
10. Инсон қанча кўп билим эгалласа, шу қадар кучлидир.
Менимча ...
11. Сиз нимани англамасангиз, у сизга бегона. Менимча ...
12. Фаннинг динамик ва статик қонуниятлари, менимча ...
13. Дунё топсанг, дининг кетади, менимча ...
14. Билим, фаолият ва ижтимоий институт уйғунлиги,
менимча ...
15. Фан тушунчасининг кенг ва тор маънолари, менимча ...
16. Фан тарихига оид ёндашувлар ўзини оқлайдими?
Менимча ...
17. Фан тараққиётининг асосий босқичлари, менимча ...
18. Фаннинг функциялари, менимча ...
19. Фаннинг микроконтексти ва микроконтексти, менимча
20. Фанларнинг таснифи, менимча ...
21. Билим илмийлик мезонининг таснифи, менимча ...
22. Фаннинг динамик ва статик қонуниятлари, менимча ...
23. Аналитик ва синтетик билим, менимча ...
24. Фаннинг дифференциацияси ва интеграцияси, менимча
25. Фаннинг ижтимоий-маданий мўлжаллари, менимча ...

26. Олимларнинг илмий ишларига иқтибос беришнинг илмий фаолиятдаги ўрни, менимча ...
27. Плагиат (кўчирмачилик) олим шаънига иснод. Менимча Халқаро журналларда мақолалар нашр қилишнинг зарурати ва аҳамияти, менимча ...
28. Илмий тадқиқот намоён бўлишининг асосий жиҳатлари: эркинлик, ёзма матн ва унинг оғзаки матндан фарқи, менимча ...
29. Илмий тадқиқот тушунчаси, менимча ...
30. Илмий тадқиқотда ворисийлик ва новаторлик, менимча
31. Индивидуал илмий тадқиқот, менимча ...
32. Фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги, менимча ...
33. Муаммо, менимча ...
34. Муаммонинг моҳияти, менимча ...
35. Муаммо ва метод уйғунлиги, менимча ...
36. Муаммо ва масаланинг алоқаси ва фарқи, менимча ...
37. Муаммонинг шакллари, менимча ...
38. Мавзуни танлаш муаммонинг тўғри ечими илмий фаолиятнинг амалий натижасининг кафолати. Менимча
39. Илмий муаммоларнинг намоён бўлиши, менимча ...
40. Муаммоли вазият, менимча ...
41. Далил – илмий муаммони ечиш омили. Менимча ...
42. Эмпирик ва илмий далилнинг хоссалари, менимча ...
43. Илмий билим ривожига фан далилларини умумлаштиришнинг аҳамияти,, менимча ...

44. Рационаллашув даврида инсоннинг дунёдаги ўрни менимча,
45. Илм ва илмсизлик чегараси, менимча ...
46. Ҳозирги давр илмий инқирозини бартараф этиш учун, менимча ...
47. Илмда фалсафий мушоҳаданинг ўрни, менимча ...
48. Имтиёзли далиллар, менимча ...
49. Илмий мактаб шаклланишига сабаб, менимча ...
50. Илмий мактабларнинг типлари, менимча ...
51. Илмий мактабларнинг шакллари, парадигмал ва локал даражалари, менимча ...
52. Илмий мактабларнинг классификацияси, менимча ... ,
53. Инновацион илмий мактаблар, менимча ...
54. Метод, методология, методика тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи, менимча ...
55. Фан методлари, менимча ...
56. Фанлараро тадқиқот методлари, менимча ...
57. Хусусий илмий методлар, менимча ...
58. Эмпирик тадқиқот методлари, менимча ...
59. Назарий тадқиқот методлари, менимча ...
60. Тадқиқотнинг умумий мантиқий методлари, менимча ...
61. Фалсафа методлари, менимча ...
62. Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари, менимча ...

63. Ҳозирги замон методологиясидаги куматоид, кейс стадис, абдукция методларининг илмий билишдаги аҳамияти, менимча ...
64. Эвристика янги методологик тамойил, менимча ...
65. Табиий объектларнинг хоссалари, менимча ...
66. Субъектив яхлит хоссалар, яхлит хоссалар, метаяхлит хоссалар, менимча ...
67. Ҳозирги замон олимнинг портрети, менимча ...
68. Олимларнинг учрашувлари ва мулоқотини ташкил этиш, фикр алмашиш, менимча ...
69. Конгресс, менимча ...
70. Форум, менимча ...
71. Симпозиум, менимча ...
72. Конференция, менимча ...
73. Илмий семинар, менимча ...
74. Консенсус, менимча ...
75. Фанда халқаро жамоатчилик билан ишлашнинг аҳамияти, менимча ...
76. Илмий тадқиқотда ижтимоий этика, менимча ...
77. Танқид, менимча ...
78. Юқори танқидийлик ва ижодий танқидийлик оқибатлари, менимча ...
79. Муаллифлик ҳуқуқи, менимча ...
80. Коррупция, менимча ...
81. Фан ва илмий фаолиятда коррупция, менимча ...

82. Плагиат ва коррупциянинг ўзаро алоқадорлиги, менимча ...
83. Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар ва ихтиролар, менимча ...
84. “Кашфиёт”, “ихтиро” тушунчаларининг инновацион характери, менимча ...
85. Илмий фаолиятда инновация ва новацияларнинг ўрни, менимча ...
86. Новация янги илмий ғоядаги “эскилик” элементи. Менимча ...
87. Инновацион мактаб мезонлари, менимча ...
88. Инновация, менимча ...
89. Супер интеллектуал элита, менимча ...
90. Интеллектуал элита, менимча ...
91. Илм аҳли, менимча ...
92. Дунёни қайта англаш зарурияти, менимча ...
93. Ўзликни англаш ва олимнинг ўзлиги, менимча ...
94. Ҳаёт маъносини англашда олимнинг ўрни, менимча ...
95. Олим қандай бўлиши керак? Менимча ...
96. Ўзбекистоннинг интеллектуал элитаси, менимча ...
97. Ижтимоий масъулият, менимча ...
98. Илмий тадқиқотда олимнинг эркинлиги, менимча ...
99. Масъулият , менимча ...
100. Ижтимоий фалсафанинг истиқболи, менимча ...

ЭССЕНИ БАҲОЛАШ

Эссени баҳолаш фан ўқитувчисидан сабр-бардош ва кучли диққат-эътиборни талаб этади. Чунки махсус штрихланган тест саволлари эътибор талаб этмайди. Ёки ёзма ишлар, аксарият ҳолларда маъруза матнлари ва фан мажмуаларидан тайёр ҳолатда кўчирилгани учун дафтар тўлдирилгани асосий мезон бўлган, унинг мазмуни аҳамиятсиз бўлган. Эссе магистрнинг ижодий иши бўлгани учун уни яхшилаб ўқиб чиқиш шарт.

Эссени баҳолашнинг намунавий мезони қуйидагича белгиланди. Бу мезонларга айрим параметрлар қўшиш ёки олиб ташлаш фан ўқитувчисининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Эссени баҳолаш критерий ва мезонлари	Баҳо
<ul style="list-style-type: none">✚ эссе мавзусини яхши тушунган ҳолда тўлиқ ёрита олган✚ тезис (асосий ғоя) мавзуга мос танланган✚ тезисга алоқадор шахсий фикр-мулоҳазаларини билдира олган✚ эссе тузишда мантиқий изчилликка амал қилинган✚ эсседа икки ва ундан ортиқ факт келтирилган✚ факт ва далиллар мавзуга мувофиқ танланган✚ фактлар ўз ўрнида қўлланган✚ эссе адабий тил меъёрларига мос ҳолда имловий хатосиз ёзилган	5

<ul style="list-style-type: none"> ✚ кириш сўз ва бирикмалар ўз ўрнида қўлланган ✚ эссе ёзишда тилнинг софлиги сақланган ✚ бадий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланилган эссе ёзиш услуби мавзуга мос ✚ мавзунини баён этишда ва фанга доир таянч сўз ва атамаларни қўллашда хатоликларга йўл қўйилмаган 	
<ul style="list-style-type: none"> ✚ мавзу қисман ёритилган ✚ тезис (асосий ғоя) тўғри танланган ✚ тезисга алоқадор шахсий фикр-мулоҳаза билдиришда камчиликлар бор ✚ эссени қисмлари орасидаги мувофиқлик ўзгарган ✚ ўқувчи биргина факт келтирган ✚ эсседа адабий меъёр маълум даражада сақланган ✚ кириш сўз ва бирикмаларни қўллашда хатога йўл қўйилган ✚ эссе ёзиш услуби мавзудан қисман четлашган ✚ мавзунини баён этишда ва терминларни қўллашда айрим хатога йўл қўйилган 	4
<ul style="list-style-type: none"> ✚ мавзу юзаки ёритилган ✚ тезис (асосий ғоя) тўғри танланмаган ✚ тезисга алоқадор шахсий фикр-мулоҳаза берилмаган. ✚ хатбошиларга тўғри ажратилмаган ✚ фикр баёнида такрорийлик мавжуд ✚ фактлар мавзуга мувофиқ танланмаган ва ўз ўрнида қўлланмаган ✚ тилнинг софлиги айрим ўринларда бузилган ✚ бадий тасвир воситаларидан кам фойдаланилган эссенинг ёзиш услуби мавзуга мос эмас ✚ иш давомида жумлалар тузишда хатога йўл қўйилган 	3

<ul style="list-style-type: none"> ✚ мавзунни баён этишда ва терминларни қўллашда 2 ва ундан ортиқ хатога йўл қўйилган 	
<ul style="list-style-type: none"> ✚ эссе мавзуси ёритилмаган ✚ мавзу моҳиятини тушунмаган ✚ эссе қисмлари орасида боғланиш йўқ ✚ мавзу юзасидан ҳеч қандай факт ва далиллар келтирилмаган ✚ эссе ёзишда адабий меъёр сақланмаган ✚ кириш сўз ва бирикмалар қўлланмаган ✚ бадиий тасвир воситалари қўлланмаган ✚ эссе ёзиш услуби шаклланмаган ✚ муаллиф айтмоқчи бўлган фикр хафсаласизлик билан охирига етказилмаган 	2

ХУЛОСА ЎРНИДА. ИЛМ, ОЛИМ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*“Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун
китоблардан миннатдорман
Максим Горький, ёзувчи*

Талабалик давримда (II курс) рус тили фанидан илк эссе ёзганим ҳали-ҳамон ёдимда. Устозимиз эссе ёзиш шартларини содда ва тушунарли баён қилиб, вазифа берди. Мактабда олган билимларим, ўқиган китобларим, талабаликда ҳар китоб дўконига кирганимда ўзим учун шахсан совға қиладиган сара асарлар туфайли “Мен ўн йилдан сўнг” мавзусида ёзган эссе учун устознинг мақтовга тўла миннатдорлик сўзлари умрим мазмунига айланган.

Илмга бўлган муҳаббатим, ўрганганларим, олган билимларим мамлакат ёшларининг онги, тафаккури юксалиши учундир. Илмий тадқиқот ишларимнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, мазмунли, ўқимишли бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам қораламаларим (эссе)дир. Илк тезис ва илмий мақолаларимнинг аксарияти қораламалар шаклидан илмий китоблар ёзиш зарурияти туфайли илмий рисола, монография, услубий кўрсатма, ўқув-услубий қўлланма, ўқув қўлланма ҳолига келган.

Бир миллатнинг илм йўлидаги одими ўша миллат яшайдиган худуднинг маърифатпарварлиги билан ўлчанади. Қалби илм билан яшнаган, вужуди илм билан суғорилган, кўзлари илм нури билан порлаган ёш авлод келажакни илм-маърифат билан қуриб, илдам одимлайди. Илм-маърифат маскани бўлган юртимиз буюк алломаю мутафаккирларни етиштирган. Афсуски, бу жараён объектив ва субъектив сабабларга кўра, ортга силжиди. Савол туғилади? Нима қилмоқ керак? Илм-маърифат зиёси порлаган юртдан бухорию ибн синолар, термизию наршахийлар, самарқандию насафийлар, берунию хоразмийлар, улуғбеку форобий каби алломалар етишиб чиқиши учун нима етишмаяпти?

Бир вақтлар барча илмларни нафақат мусулмон мамлакатлари, балки ғарб мамлакатларига ҳам улашган бўлсак, энди илмларни бутун дунёдан Ўзбекистонга йиғиш вақти келди! Бу нима дегани? Ахборот технологиялари,

юксак саноат қурилмалари, енгил саноат иншоотлари, озиқ-овқат технологиялари, хавфсизлик, сиёсат, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, қарийб барча соҳаларни инновацион ғоялар асосида қайта шакллантириш, новаторлик мужассам бўлган илмлар билан бойитиш муҳимдир.

Ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни уйғунлаштирган ҳолда, ҳам аниқ, ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанларни баробар ўзлаштириш, нафақат ўзлаштириш, дунё тан олган олимларнинг асарларини оригинал тилда ўқиш, имкони бўлса, таржима қилиш билан бошқаларни ҳам илмдан баҳраманд қилиш бугуннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Дунё 140 дан ортиқ турли тилли халқлардан иборат. Дунёга ташриф буюриш учун ҳеч бўлмаганда учта, бешта, саккизта, ўндан ортиқ тилларни билишга кучли эҳтиёж туғилмоқда. Эҳтиёж қондирилмас экан, жаҳолат, нодонлик ва билимсизлик гирдобга айланади. Бу муаммонинг энг тўғри ечими – зиёлилар зиммасида, яъни миллат онгини тараққий эттириш, миллатни ғафлатдан уйғотиш, миллатни ўзлигини англашга чақириш керак.

Бугун миллат илмга, ҳикматга, инновацияларга муҳтож. Кечаги параметрлар билан бугуннинг муаммосини ҳал қилишга уриниш бемаънилиқ. Унда нима қилиш керак? Илм олиш, илмни ўзлаштириш, илмни қайта ишлаш, ичи тўла илм бўлган китоблар ёзиш ва илмни фарз амал даражасига кўтариш орқали мақсадга эришиш. Бунинг учун:

фанларга доир илмий адабиётларни қайта кўриб чиқиш, модернизациялаш, инновацион ғоялар билан бойитиш, замон талабларига жавоб бермайдиган адабиётлардан онгли воз кечиш, дарсликлар ва ўқув адабиётлари борасидаги коррупцияга барҳам бериш;

хусусий университетлар ва бошқа таълим муассасаларининг “комфорт”лашган “бизнес” марказига айланишига йўл қўймаслик, сифат ва самарадорлик принципини бош тамойилга айлантириш орқали саводсизлик ва билимсизликка чек қўйиш;

олим томонидан ёзилган китоб ўқилиши керак. Китоб ўқилмас экан, асл сабаб китобнинг “ўлик”, муаллифнинг ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмайдиган, ўта ғализ ва илмий тилда ёзгани, асарда замон билан ҳамнафаслик йўқлиги, унда кўтарилган муаммолар афкор омма учун қизиқарли эмаслиги, муаммонинг илмий ва амалий аҳамияти йўқлиги билан изоҳланади. Шунай экан, илмий тадқиқот ишларини тафтиш қилиш, улар ичидан бемаъни ва сафсатадан иборат, маъно ва мазмуни бир-бирини истисно қиладиган тадқиқотларни бекор қилиш;

фойдали ва амалий аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқот ишларини ижтимоийлаштириш, халқ тушунадиган тилда оммага етказиш;

дунё мамлакатларининг нуфузли университетларида ҳозирга қадар ўқитилаётган “Тиб қонунлари” учун Абу Али

ибн Сино ҳеч кимдан рағбат ҳам, манфаат ҳам кутмаган. Ибн Сино учун авлодларга муносиб мерос қолдириш муҳим бўлган. Саноқни давом эттириш учун ўнталаб қўллар камлик қилади. Бугунги кунда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик шу даражада авж олганки, асл китоблар қолиб, ичи тўла “сув” китоблар нашри кучайган. Рағбат ва манфаатни коррупциядан ҳоли қилиш;

Хуллас, аждодларимиз илмларига вафо қилишган. Келажак авлодлар ҳам аждодлар каби илмга вафодор бўлишлари учун ўрта авлод вакиллари аждодлар олдидаги буюк қарзни узиши, илмга вафо қилиши шарт. Илм аҳлининг жойи султонларнинг ўнг тарафида бўлган. Бугун илм аҳли маҳалланинг тақлидчи қўшиқчиси ёки блогерчалик таниқли эмас! Бунинг сабабини ОАВнинг эътиборсизлигидан эмас, илм аҳлининг ўзи, принципи, илмнинг оммавий хор қилинишидан қидириш аниқ ечим топишга асос бўлади.

Ўзбекистонда энг ҳурмат қилинадиган касблардан бири – олимлар бўлиши илм аҳлининг қўлида. Олим ўз касбига садоқати, масъулияти, иқтидори, салоҳияти ва илмга вафодорлиги билан анча йиллар йўқотилган кадр-қиммати ва эҳтиромни тиклаши муқаррар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: МУАММО ВА КРЕАТИВ ЕЧИМЛАР²

Ҳар қандай жамият истиқболини юксак салоҳиятли, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ эта оладиган, ислоҳотларга муносиб ҳисса қўша оладиган мутахассислар белгилайди. Кейинги ўттиз-қирқ йилда жадал ривожланган ёки ривожланаётган давлатлардаги ислоҳотлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчасида таълим тизими биринчи ўринга қўйилиб, ёшларнинг таълим-тарбияси, салоҳиятли мутахассис тайёрланишига жиддий эътибор қаратилган. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимига доир қарорлар ишлаб чиқилиши [1.1-2.] замирида юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш, иқтисодиёт ва халқ фаровонлигини ошириш мақсади мужассамдир. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимидаги муаммоларни креатив ечим топиш орқали муҳим янгиланишларга эришилади.

Аниқ таклиф ва мулоҳазалар:

² Isaqova Z.R. Yangi O‘zbekiston – ma’naviy yangilanish: mavjud muammolar va istiqboldagi yechimlar // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2021. – № 6. Maxsus son. – B. 16-20.

1. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизими давлат стандартлари иш берувчининг эҳтиёжи орқали белгиланиши мақсадга мувофиқ. Таълим мазмуни ҳукумат томонидан назорат қилинмай, олий ўқув юртлари ихтиёрий таълим даражаси бўйича асосий таълим дастури ва фан дастурини мустақил қабул қилиши, талабага семестр бошида ҳар бир фан бўйича фаннинг мақсад-вазифалари, киритилган мавзулар, баҳолаш тизими ҳақида аниқ маълумот берилиши, фанлардан дарс ўтадиган профессор-ўқитувчи ҳақида маълумотга эга бўлиши ва талаба ўқитувчини ўзи танлашини йўлга қўйиш лозим. Бу талабанинг ҳам, ўқитувчининг ҳам масъулиятли бўлишини таъминлайди. Илмга интилувчи фидойи ёшлар кўп. Шу билан бирга, узлуксиз таълим тизимидаги номувофиқлик, яъни таълим тизимида мактабнинг ўрни йўқолиши, муаллимнинг “устоз”лик мавқеи тушиб кетиши, мактабнинг заиф бўғинга айланиши, олий таълимга ана шу заиф бўғинлардан билим ва дунёқараши ўзига яраша бўлган ёшлар кириб келиши, олий ўқув юртлари ҳам улар даражасига мослашиши, энг ачинарлиси, қўшни давлатлар олий таълим тизимида кириш истиҳонларисиз ўқишга қабул қилинган талабаларнинг Ўзбекистон олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчиришлари, хусусий университетларга имтиҳонсиз талабалikka қабул қилиниши натижасида жамиятга ўз соҳаси бўйича замонавий илмлардан беҳабар, дипломи бору мутахассислик

кўникмасига эга бўлмаган кадрлар тайёрланишига йўл қўйилмоқда. Кириш имтиҳонларида шаффофликка эришиш ва бу жараёни янада такомиллаштириш орқали йўқотилган мавқени тиклаш, жамиятни етук, илғор фикрли мутахассислар билан таъминлашга эришилади. Янги Ўзбекистон ва хориж меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис бўлиш учун сифатли таълим муҳимдир.

2. Янги Ўзбекистонда янги таълим тизими учун мустақил фикр ҳамда кенг дунёқарашни шакллантириш, таълим тизимига татбиқ этилаётган янги усуллар, сўнгги ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, талабанинг очилмаган қирраларини кашф этиб, янгилик ва ихтиролар яратишга руҳлантириш мақсадга мувофиқ. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим қисқа муддатда катта ҳажмдаги дастурни ўзлаштиришни тақозо этади. Масалан, бакалавриат босқичида талаба олтмишга яқин фанни ўзлаштиради. Энг ачинарлиси, умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўтилган фанлар олий таълимда такрор ўқитилишидир. Бунинг ўрнига мутахассислик фанлари, танлов фанлари, бошқарув асослари, мулоқот педагогикаси, нутқ маҳорати, иқтисодий таҳлил каби фанларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, битта фан доираси, масалан, фалсафа (этика, эстетика, мантиқ, диншунослик, социология)га бир неча фанларни

“зип”лаштириш орқали сифат ва самарадорликка эришиб бўлмайди.

3. Янги Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, иқтидорли талабалар илмий фаолияти натижадорлигини ошириш, илмий изланиш олиб боришлари учун зарур шароит яратиш, таълим жараёнига инновацион усулларни жорий этиш, ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанглигини таъминлашни тизимли ташкил этиш муҳимдир.

4. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида таълим сифатини кўрсатувчи ягона омил талабанинг билими ва касбий маҳорати бўлиши шарт. Юқоридан белгиланган ўқув режаси ва фан дастурлари талабанинг мустақил изланиши, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришига имкон бермайди. 50-60 варақ конспект, мустақил иш, курс ишлари кўчирмачилиқдан бошқа нарса эмас, яъни курс иши, рефератлар интернет ёки китобдан кўчирилади. Муаммонинг ечимини топиш учун мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратилиб, талабанинг мавзунини инновацион йўналиш бўйича такомиллаштириши ва иқтидорини кўрсатишига имкон яратилиши керак.

5. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида асосий эътибор таълим самарадорлиги ва сифатига қаратилиши, тартиб ва таълим муштарак бўлиши шарт. Олий таълим

тизимидаги мажбурий тарбия, масалан, қадри галстукдан паст олий таълим билан тараққиётга ҳам, салоҳиятга ҳам эришиб бўлмайди,

6. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида таълим сифати талабаларнинг фанни ўзлаштириши ва билимдан қониқиш даражаси билан белгиланиши, тизимда “академик эркинлик” ҳукмрон бўлиши, профессор-ўқитувчи ўзи ўқитаётган фан бўйича (дарслар мазмуни, ўқитиш усуллари, баҳолаш турлари ва уларга ажратилган баллар, фанни ўқитишда ишлатиладиган адабиётлар ва ҳаказо) мустақил қарор қабул қилиши, дарсга профессор-ўқитувчининг рухсатсиз ҳеч ким (хоҳ ҳамкасби бўлсин, хоҳ раҳбарият бўлсин) кириш ҳуқуқига эга бўлмаслиги, эркин шароитдаги таълим сифати техник воситалар ёрдамида назорат қилиниши лозим.

7. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида асосий эътибор талабаларнинг ўз устида ишлаши, ижодий фикрлаши, муаммони таҳлил қила олиши, назарий билимларни аниқ касбий вазиятларда қўллай олиши каби кўникмаларни ривожлантиришга қаратилиши лозим. Ўқитишга ижодий, креатив ва инновацион ёндашиш орқали талаба ўз устида ишлаб, қўшимча маълумотлар қидиради, мавзу ҳақида кенг маълумотга эга бўлади, инновацион ғоя асосида янгилик яратишга интилади.

8. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида асосий эътибор сифат, сифат ва яна сифатга қаратилиши шарт. Талаба сифатли билим олмаса, таълим сифатидан қониқмаса, бу таълим жараёни иштирокчилари бўлган таълим муассасаси, ўқитувчи, талаба, ота-оналар, жамият учун жиддий йўқотишдир. Унинг ўрнини қоғоз ва жадвал билан тўлдириб бўлмайди. Қоғозбозлик таълим сифати ва самарадорлигига энг катта тўсиқдир. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимини қайта кўриб чиқиш лозим. Тест талабанинг малака ва кўникма даражасини аниқлайдиган усул эмас, лекин бугунги кунда тест талабалар билимини баҳолашнинг асосий усулига айлантирилган. Қабул имтиҳонларида тест тизимидан воз кечиш вақти келди. Талабанинг амалий машғулот ва маърузада олган билимлари жорий ва оралиқ баҳоларда мужассамлашади. Низомга мувофиқ, фақат якуний баҳо (жорий ва оралиқ жамланмасдан) онлайн тест орқали қўйилади. Бу тизим ўзини оқламайди. Тест ва назорат ишлари, асосан, талабаларнинг ёдда сақлаш қобилиятини текширади. Ҳақиқий билимни эмас. Назорат саволлари шундай тузилиши керакки, талаба қўшимча илмий адабиётлар билан мустақил ишлаши, фанда ўрганган тушунчаларини амалиётга татбиқ қилиши, танқидий фикрлаши лозим. Талаба профессор-ўқитувчининг бевосита илмий раҳбарлигида ўз устида ишлаши ва илмий-тадқиқотлар олиб бориш малакасини

шакллантириши, илмий мақолалар ёзиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Ваҳоланки, ҳозирга қадар битирув малакавий ишлари талабанинг изланиши, саъй-ҳаракати ва меҳнати маҳсули эмас, илмий ишлар “хўжакўрсин”га бажарилиб, кўчирмакашликка йўл қўйилмоқда.

9. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида коррупцияга йўл қўйилмаслиги шарт. Коррупция таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этади. Фанларни модул тизимида қисқа вақт ичида ўзлаштирилиши, ахборотнинг кўплиги, вақт етишмаслиги, дангасалик, масъулиятсизлик, соҳага адашиб кириб қолишлик, ўқитувчи меҳнатининг қадрсизлиги, ўқитувчи ойлик маошининг озлиги, таниш-билишчилик каби кўплаб сабаб ва баҳоналар коррупцияни келтириб чиқаради. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Коррупцияни юзага келтираётган омилларни аниқлаш ва бартараф этишга тизимли ёндашув керак, яъни бир коррупционерни иккинчисига алмаштириш билан вазият ўзгармайди.

10. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида вазирлигу бошқа ташкилотлар олий таълим муассасаларининг фаолиятига аралашишини қонун билан таъқиқлаш, ҳар куни ўнлаб кераксиз ҳисоботу жадвалларни талаб қилишни чеклаш, ҳар бир олий ўқув юрти асосий

эътиборни ҳисоботу қоғоз тўлдиришга эмас, таълим сифатига қаратиши лозим.

11. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан алоқадорлигини таъминлаш, иқтисодий самарадорликка эришиш долзарб вазифадирки, амалий натижа бермаган илмнинг, илмий даражанинг, муқоваси қалин китобларнинг жамиятга ҳеч қандай нафи йўқ.

12. Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида битирувчи талабанинг билими давлат таълим стандартида белгиланган талабга жавоб бериши аҳамиятли бўлиши лозим. Дипломи бор, лекин лаёқати йўқ мутахассис жамият равнақига ҳеч қандай фойда келтирмайди. Тафаккурни ўзгартириш, таълим тизимини янгилаш узоқ вақт талаб этади. Ёшларнинг илм олиши, замонавий фан ва мутахассисликларни пухта эгаллаши учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо талаба-ёшларнинг дунёқарашини, таълим-тарбияга муносабатини ўзгартиришдир. Яхши мутахассисни иш берувчининг ўзи излаб топади.

Хуллас, Янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимида ислоҳотлар самарадорлиги, мамлакат фаровонлиги, юрт истиқболи, олий таълим сифатини ошириш, ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги илғор технологиялардан унумли фойдаланиш учун ўқув дастурларида мутахассислик

фанлари, танлов фанларига кўпроқ вақт ажратиш, баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларни ҳам, талабаларни ҳам расмиятчилик ва қоғозбозликдан халос қилиш орқали мақсад англашилади. Муҳтарам Президент таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонга жадал ислохотлар суръатига мос [2.505], ҳар жиҳатдан етук ва илғор мутахассислар керак.

Фойдаланилган дабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. – Тошкент: 2018 йил 6 июнь. 1-2-бетлар.

2. Мирзиеёв Ш. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзланган нутқ. 2017 йил 30 июнь / Мирзиеёв Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 505-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Али Заде А. Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. Научно-аналитический обзор. – Москва: ИНИОН, 1991.
2. Альтшуллер Г. Как научиться изобретать. – Тамбов: RUGRAM, 2012.
3. Мадаева Ш. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. – Тошкент: 2009.
4. Майданов А. Интеллект решает неординарные проблемы /РАН. Институт философии. – Москва: 1998.
5. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. Қайта ишланган нашр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2005.
6. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021.
7. Рўзматзода Қ. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
8. Серов В. Энциклопедический словарь крылатых слов и выражений. – Москва: Локид Пресс, 2005.
9. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши / Масъул муҳ. Б.Каримов. Муалл. жамоаси Б.Тураев ва бошқ. – Тошкент: Наврўз, 2017.
10. Соифназаров И., Никитченко Г., Касымов Б. Методология научного творчества. Учебное пособие. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2004.
11. Фалсафа. Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир ф.ф.д. Қ.Назаров. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2004.
12. Холмўминов Ж. Фалсафанинг сўниши ёхуд куппа-кундуз куни чироқ ёқаётган одам (сўнгсўз ўрнида) / Н.Жўраев.

Тахайюл, тасаввур, тафаккур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.

13. Эркаев А. Тарих сабоқлари ва Учинчи Ренессанс зарурияти // – Тошкент: Халқ сўзи, 2021 йил 6 январь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2018 йил 6 июнь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент: 2020 йил 1 октябрь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент: 2020 йил 1 октябрь.
17. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6108-сонли Фармони // – Тошкент: Халқ сўзи, 2020 йил 7 ноябрь.

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

ЭССЕ ЁЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Услубий кўрсатма

**Техник муҳаррир
Зилолахон Тожибоева**

2023